

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ САИДКАМОЛ БАБАЕВИЧ

ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ (ИЧКИ ИШЛАР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИ ВА
ЖАРАЁНИ МИСОЛИДА)

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Садиков Саидкамол Бабаевич

Таълимда интеграллашган ахборот тизимлари моделлари,
алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш (ички ишлар
тузилмаси фаолияти ва жараёни мисолида) 3

Садиков Саидкамол Бабаевич

Разработка моделей, алгоритмов и программного обеспечения
интегрированной-информационной системы обучение (на примере
деятельности и процесса структуры внутренних дел) 21

Sadikov Saidkamol Babayevich

Development of models, algorithms and software for an integrated-
information training system (in the example of activity and process
of the structures of Internal Affairs). 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САДИКОВ САИДКАМОЛ БАБАЕВИЧ

ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ (ИЧКИ ИШЛАР ТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТИ ВА
ЖАРАЁНИ МИСОЛИДА)

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.33PhD/Т1804 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сиддиков Исомиддин Хакимович
Техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мўминов Баходир Болтаевич
Техника фанлари доктори, доцент

Халматов Даврон Абдалимович
Техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01D рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12.11» да соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0/163 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «30» ОКТЯБЬ куни тарқатилди.

(2020 йил «30» сентябрь даги 16 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланиб, ўқув жараёни бошқарувининг модел, усул, алгоритм ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиққан ҳолда ягона интеграллашган ахборот тизимлари муҳитини ҳосил қилиш асосида маълумотлар базасини шакллантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада жаҳоннинг бир қатор ривожланган мамлакатларида, хусусан, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Финляндия ва Ўзбекистонда давлат бошқарувида электрон ҳукумат тизимини кенг жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари, айниқса, фуқароларга турли интерактив давлат хизматларини кўрсатишда ислохотларни тизимли равишда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда таълимда интеграллашган ахборот тизимларини моделлаштириш, турли илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда маълумотлар базасини лойиҳалаш, уларнинг алгоритмлари ҳамда дастурий таъминотини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан ушбу соҳада, олий таълим муассасалари, ўқув, илмий-тадқиқот ва моддий-техник таъминот фаолиятини автоматлаштириш учун интеграллашган ягона ахборот муҳитини ҳосил қилишда ахборот IDEF - моделлари, Business Process Model and Notation методологияси ҳамда Adaptive Neural Network Sliding Controller технологиялари асосида бошқарув тизимларини шакллантириш, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмларидан фойдаланган ҳолда жараёнларни моделлаштириш, нейрон тармоқ модел ва алгоритмларини қўллаган ҳолда маълумотларни йиғиш ва ишлов беришга йўналтирилган маълумотлар базасининг ахборот моделларини яратиш, интеллектуал қарор қабул қилишга кўмаклашиш ва назоратини ташкил этиш асосида Model-View-Controller (MVC) технологияларидан фойдаланиб дастурий таъминотлар мажмуини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, тақсимланган ахборот тизимларида маълумотларни узатиш, маълумотларни интеграциялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, замонавий ахборот тизимлари асосида маълумотлар базаси ва билимлар базасини шакллантириш, глобал ва корпоратив ахборот тизимлари, миллий таълим тизимлари контентини яратишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимида жорий этиш орқали таълим ва ишлаб чиқариш тизимларини интеграция қилиш борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Шу билан бир қаторда таълим муассасалари ахборот тизимлари ва электрон ҳукуматнинг комплекс ахборот мажмуалари аро маълумот алмашишнинг ягона интеграциялашган платформаларини ишлаб чиқишда

аниқ режалаштирилган илмий тадқиқот ишлари зарурлигини кўрсатмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, ... илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан таълимда интеграллашган ахборот тизимлари ва жараёнлари мониторингининг ахборот IDEF - методологияси асосида моделларини такомиллаштириш, таълим-жараёнларининг модел ва алгоритмларини яратиш, радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари асосида қурилган тақсимланган ахборот тизимларининг интеграциялаш моделларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (2015) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 августдаги ПҚ-3919-сон «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий мажмуаларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш борасида қуйидаги хорижий олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган: Н.Алон, I.N.Bronshteyn, J.Girard, P.Grefen, N.Guarino, W.Hall, J.L.Hellerstein, M.Holzer, W.J.Linden, W.P.Mtega, W.SLevine, В.Хантер, J.Zachman, В.С.Аванесов, Г.А.Атанов, С.В.Грызлов, В.П.Кашицин, Г.Клейман, С.М.Коновалов, А.В.Конькин, В.В.Кореньков, О.А.Кривошеев, В.В.Леонтьев, И.С. Михайлов, А.В.Соловов, В.П.Тихомиров, А.Н.Тихонов, Е.А.Янковская ва бошқаларнинг ишида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Дж.А.Абдуллаев, М.М.Арипов, Т.Ф.Бекмуратов, Х.Н.Зайнидинов, Х.З.Игамбердиев, Н.А.Игнатъев, В.Қ.Қобулов, Д.Т.Мухаммадиева, М.М.Мусаев, А.Х.Нишанов, М.А.Рахматуллаев,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ш.Х.Фозилов, Р.Х.Хамдамов ва бошқалар интеграллашган ахборот тизимлари моделлари ва алгоритмларини яратиш масалаларини ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга катта ҳисса қўшганлар.

Таълим муассасалари фаолиятини автоматлаштириш жараёнларида нейрон тармоқлари элементлари асосида қурилган тизимларни яратиш талаб этилади. Айниқса, Ички ишлар вазирлиги ва унинг таркибидаги таълим муассасалари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш орқали фаолиятни самарали ва мақсадли ташкиллаштириш катта самара беради. Ушбу таълим муассасалари фаолияти мониторингини юритишда маълумотларга ишлов беришнинг такомиллаштирилган интеллектуал таҳлиллаш усулларидан фойдаланиш, моделлар яратиш, MVC - технологияларидан фойдаланиб дастурий комплекслар ишлаб чиқиш ва улар асосида тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмасдан қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №А-5-42 – «Априор ноаниклик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллашнинг дастурий инструментал воситаси (2015-2017); ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезининг назарий асослари ва мунтазам усулларини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ва бошқариш қарорини қабул қилишнинг интеграллашган ахборот тизимларини моделлари, алгоритмларини яратиш ва MVC (Model-View-Controller) технологиялар асосида дастурий таъминот ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим муассасаларининг фаолият жараёнларини бошқариш ва мониторингини юритишнинг ахборот IDEF методологияларига асосланган моделларини ишлаб чиқиш;

радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари асосида интеллектуал қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи алгоритмларни ишлаб чиқиш;

замонавий дастурлаш муҳитидан фойдаланиб веб технологиялар асосида таълим муассасаси ахборот тизимларининг архитектурасини ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларининг фаолият жараёнларини автоматлаштириш, қарор қабул қилишга кўмаклашиш дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг ахборот тизимларини ишлаб чиқиш фаолияти қаралган.

Тадқиқотнинг предмети таълим муассасалар фаолиятини автоматлаштириш учун хизмат қилувчи усуллар, моделлар ва алгоритмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, ахборот ва математик моделлаштириш, нейрон тармоқлар, маълумотларга ишлов бериш, алгоритмлар, маълумотлар базаси, объектга йўналтирилган дастурлаш усуллари, MVC дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари тегишли бўлимлари, жумладан таълим фаолиятини интеллектуаллашган мониторинг тизимининг маълумотлар ва билимлар базасини шакллантириш, ахборотлар ноаниқлиги вазиятида гетероген маълумотларни формаллаштириш, таниб олиш ва танлашнинг тезкор алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ички ишлар органлари тегишли тузилмалари фаолиятини баҳолашда сифат кўрсаткичлари динамикасини эътиборга олган ҳолда иерархик метамаълумотларни саралаш ва танлаб олишнинг препроцессорли қайта ишлашни параллеллаштиришнинг IDEF моделлари ишлаб чиқилган;

метамаълумотларга ишлов бериш асосида ички ишлар органлари бўлимларининг стандарт ва ностандарт ҳисоботларини шакллантиришда маълумотларга ишлов бериш аниқлигини ошириш имконини берувчи кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқ моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

метамаълумотлар ноаниқлик шароитида вазиятга боғлиқ равишда рационал бошқариш қарорини қабул қилиш тизимининг маълумотлар базасини инфологик модели, маълумотларнинг модуллараро функционал боғлиқлигининг оптимал нейротармоқли тузилмаси ва кўпфойдаланиш режимига мўлжалланган дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини автоматлаштиришга йўналтирилган «DFTECHSYS», «E-kadrmsys», «Uniedumsys», «Science Monitoring QI-SYS» ахборот тизимлари ишлаб чиқилган;

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасалар ва унинг таркибий бўлимлари аро ягона яхборот муҳитни таъминловчи «Idatasystem-education» интеграллашган ахборот-дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таклиф этилган моделлар ва алгоритмларни яратишда тизимли таҳлил, математик дастурлаш, қарор қабул қилиш ва эҳтимоллар назарияларининг фундаментал концепцияларидан тўғри фойдаланганлиги, ишлаб чиқилган ахборот тизимининг илмий ва тажрибавий тадқиқоти ва синовлари натижаларининг ўзаро мослиги билан изоҳланади ҳамда Ички ишлар вазирлиги структураси учун яратилган ва амалиётга тадбиқ этилган дастурий мажмуалар билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган усул, кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари моделлари, алгоритмлари, маълумотлар

базаси, таълим жараёнларини IDEF методологияси схемалар шаклида лойиҳалаш усулларининг таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти IDEF методологияси асосида маълумотлар базаси тизимида маълумотлар интеграцияси, фойдалананувчи концепцияси ҳамда тақсимланган ахборот тизимларини интеграллаштириш орқали ўқув жараёнининг сифат кўрсаткичлари ҳамда шаффофлиги, Ички ишлар вазирлигининг бошқа фаолият турлари билан узвийлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълимда интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш асосида:

таълимда интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти бўйича ишлаб чиқилган дастурий мажмуалар Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимлари ҳамда Малака ошириш институти ва унинг жойлардаги филиаллари фаолиятига интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот жорий этилган (Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 1/775-сон маълумотномаси). Дастурий таъминотни қўллаш натижасида маълумотлар базасидаги сўров ва транзакциялар тезлигини ошириш ҳисобига таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ва бошқариш самарадорлигини 1,15 баробарга, ахборотларни таҳлил қилиш, ҳисоботлар ишлаб чиқиш тезлиги 2 баробарга ошириш имконини берган;

интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти Хоразм вилоятидаги ташкилотлар фаолиятига жорий қилинган (Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 1/775-сон маълумотномаси). Дастурий таъминотдан фойдаланиш натижасида стандарт ва ностандарт ҳисоботларни шакллантириш тезлигини 3 баробарга, маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш тезлигини 1,5 баробарга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 5 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 2 таси хорижий, 5 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 5 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети

тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Таълим жараёнида мавжуд ахборот тизимлар ва уларни яратиш муаммоларининг тизимли таҳлили»** деб номланган биринчи бобида масаланинг қўйилиши ва мақсади шакллантирилди, хорижий давлатлар ва республикада амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинди. Жаҳондаги етакчи дастурий таъминотлар ишлаб чиқувчи компания ва таълим муассасалари томонидан яратилган интеграллашган ахборот тизимлари моделлари ва структураси, интеграл муҳитни ҳосил қилиш, интеллектуаллаштириш, маълумотлар базасини қуриш ва уларни яратиш босқичлари таҳлили келтирилди.

Таълим муассасалари фаолиятини ягона ахборот муҳитига бирлаштириш масалаларини ўрганиш ва баҳолашда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усулларини ҳамда уларни ҳосил қилувчи алгоритмларни қўллаш масалалари ўрганилди. Бунда тақсимланган ахборот тизимлари маълумотлар базасини интеграллаш масалаларида интеллектуал таҳлиллашнинг белгилар муҳимлигини аниқлаш усуллари тадқиқ қилинди.

Адабиётларда берилган илмий-амалий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаш масалаларидан бири бўлган, тақсимланган ахборот тизимларини ўзаро интеграциялаш компоненталарини интеллектуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасасининг ягона ахборот оқимини ҳосил қилишда мураккаб интеграллашган ахборот тизимларининг, алгоритмлар ва тегишли дастурий мажмуаларини яратиш, уларни жорий этиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг долзарб муаммоси эканлиги асосланди ва ушбу ҳолат диссертация ишининг асосий мақсади сифатида шакллантирилди.

Диссертациянинг **«Таълимда интеграллашган ахборот тизимларининг моделларини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида дастурий таъминот архитектураси, унинг таркибий қисмлари белгилар орасидаги боғлиқликлар билан аниқланади. Таълим жараёнларини ягона маълумотлар базасига интеграциялаш учун IDEF методологияларидан фойдаланиб модел ишлаб чиқилди. Моделга асосан кирувчи маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- авторизация маълумотлари;
- вақтли қаторлар асосида башоратлаш масаласини ечиш учун вектор кўринишидаги чекли сондаги қатор маълумотлар;
- белгилар орасидаги боғлиқликларни аниқлаш учун сонлардан иборат матрица кўринишидаги маълумотлар;
- ўхшаш объектларни саралаш учун сонлардан иборат матрица кўринишидаги маълумотлар.

Юқорида ишлаб чиқилган IDEF0 методологияси асосида таълим жараёнларини бошқаришнинг интеграллашган ахборот тизимини функционал жараёнларининг ахборот моделлари ишлаб чиқилди. Хизматлар ахборот муҳтитининг бирлиги сифатида таркибий бўлимларнинг ахборот муҳити кўриб чиқилди. Ўз навбатида ахборот муҳитининг элементлари локал ва умумий хизмат турларга бўлинади. Локал элементлар - бу фақат битта хизматда ишлатиладиган элементлар, умумий – турли хил хизматлардан фойдаланадиганлардир.

$S_{i,j}$ - хизмат кўрсатиш воситалари, бу ерда $j = \overline{(1, M)}$ i -бўлимдаги хизмат рақами;

$r_{i,j,k}$ - $S_{i,j}$ тизимида фойдаланиладиган ахборот объекти ёки мантиқий атрибут, бу ерда $k = \overline{(1, K)}$ - ахборот объекти ёки мантиқий атрибути рақами;

У ҳолда тўпламлар назарияси асосида тизимнинг ахборот муҳити куйидаги кўринишда ифодаланади: $S_{i,j} = \bigcup_k^K r_{i,j,k}$ - $S_{i,j}$ тизимнинг ахборот муҳити, ёки

$$S_{i,j} = \bigcup_{i,l=1}^N (S_l \cap S_i).$$

Агар барча $r \in S$ лар учун $i, k, j, l, i \neq 1$ шарт мавжуд бўлсин у ҳолда, $i, k \leq N, j \leq M, k \leq K, l$ шарт бажарилганда:

$$r = r_{i,j,k} = r_{i,j,l},$$

ифодага эга бўламиз.

Ушбу кўринишдаги ифода маълумот эгасига маълумотлардан фойдаланиш устуворлигини таъминлашга имкон беради. Бу куйидаги усулда амалга оширилади. Агар қувват $S_i \gg (S_l \cap S)$ бўлса, у ҳолда i локал маълумотлар базасидан фойдаланиш керак деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Таълим муассасасининг ахборот муҳитига ахборот субъекти ёки атрибутининг «эгалик» тушунчасини киритамиз.

Агарда r га тенг бўлган $r_{i,j,k}$ мавжуд бўлса ва P_i қийматларини ўзгартирса, у ҳолда S - эгасидир. Бу ерда P_i - таълим муассасасидаги бўлимлар, $i = \overline{(1, N)}$ - таълим муассасасидаги бўлимлар сони. Агар S_i элемент r га ўхшаш мавжуд бўлса, у ҳолда $r_{i,j,k}$ орқали ифодалаш имконига эга бўламиз.

$$r_{i,j,k} = r \in S,$$

бу ерда $P_i, \widehat{r}_{i,j,k}$ нинг эгаси ҳисобланади.

Ахборот маконида битта эгасининг маълумотидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш куйидаги тақсимланган транзакциялардан фойдаланишга имкон бермайдиган шарт билан таъминланади.

Ушбу чеклаш маълумотларнинг табақаланишини жорий этади ва ахборот объекти маълумотлар модификацияси содир бўлувчи ягона тугун туфайли тақсимланган транзакциялардан фойдаланмасликка имкон беради.

Репликация жараёнини субъектлар ва эгаларнинг дискрет уч ўлчамли матрицаси, қоидаларни, бўлимлар ва бўлим хизматлари рўйхатларини ва хужжатларни жўнатиш учун фойдаланувчиларни талқин қилиш деб ҳисоблаш мумкин.

Қоидалар $A(i,j,k)$ эгаларининг дискрет уч ўлчовли матрицаси кўринишида ёзилиши мумкин:

$$A_{i,j,k} = \begin{cases} 0, & \text{агар } r_{i,j,k} \in S, \\ 1, & \text{агар } r_{i,j,k} \in S \text{ ва } r_{i,j,k} = \tilde{r}_{i,j,k}, \\ \text{null}, & \text{агар } r_{i,j,k} \notin S, \end{cases}$$

бу ерда S_{ij} қатор - хизматлар сонидан келиб чиқиб аниқланади, k - устун атрибутлар ҳисобланади.

Ушбу матрицани қуйидаги жадвал кўринишига келтириб оламиз:

1-жадвал.

Қоидаларга эгалик матрицаси

$\tilde{A} = F(A, d)$	$A(i, j, k)$	$F(A, d)$																																																																																
<table style="border-collapse: collapse; width: 100%;"> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">$s_{i,j} \backslash k$</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">2</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">3</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">4</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,1)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,2)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,3)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,1)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,2)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,3)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(4,5)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> </tr> </table>	$s_{i,j} \backslash k$	1	2	3	4	(1,1)	0	-	-	0	(1,2)	1	-	0	0	(1,3)	-	0	1	0	(2,1)	-	0	-	1	(2,2)	-	0	0	-	(2,3)	-	1	-	0	(4,5)	0	-	-	-	<table style="border-collapse: collapse; width: 100%;"> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">$s_{i,j} \backslash k$</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">2</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">3</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">4</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,1)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,2)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(1,3)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,1)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,2)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(2,3)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">0</td> </tr> <tr> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">(4,5)</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">1</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> <td style="border: 1px solid black; padding: 5px;">-</td> </tr> </table>	$s_{i,j} \backslash k$	1	2	3	4	(1,1)	0	-	-	0	(1,2)	0	-	0	0	(1,3)	-	0	1	0	(2,1)	-	0	-	-	(2,2)	-	1	0	-	(2,3)	-	0	-	0	(4,5)	1	-	-	-	$d := \{[(4,5), [< (1,2), 1 >], [< (2,3), 2 >]]\}$
$s_{i,j} \backslash k$	1	2	3	4																																																																														
(1,1)	0	-	-	0																																																																														
(1,2)	1	-	0	0																																																																														
(1,3)	-	0	1	0																																																																														
(2,1)	-	0	-	1																																																																														
(2,2)	-	0	0	-																																																																														
(2,3)	-	1	-	0																																																																														
(4,5)	0	-	-	-																																																																														
$s_{i,j} \backslash k$	1	2	3	4																																																																														
(1,1)	0	-	-	0																																																																														
(1,2)	0	-	0	0																																																																														
(1,3)	-	0	1	0																																																																														
(2,1)	-	0	-	-																																																																														
(2,2)	-	1	0	-																																																																														
(2,3)	-	0	-	0																																																																														
(4,5)	1	-	-	-																																																																														

A матрица вақтга боғлиқ ва F функциясига мувофиқ ўзгариши мумкин. F функция дискрет бўлиб, маълум бир хужжатлар билан белгиланган ходисалар майдонида аниқланади. Хужжат d ни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин: $d := \{[s_{i,j}], [r_{i,j,k}]^h\}$, бу ерда h хужжатга таъсир қилувчи субъектлар сони. Хужжат қайси фойдаланувчи ёки бўлимлар учун тегишли ҳуқуқларни бериш кераклигини кўрсатади.

Натижада, ҳодиса матрицасига асосланган бошқарув функциясини куриш имкониятига эга бўламиз:

$$\tilde{A} = F(A, d).$$


Ушбу ифода эгалик ҳуқуқларини бир ахборот тизимидан бошқа ахборот объекти r га, $A(i, j, k)$ матрица қийматини 1 дан 0 гача белгилаш ва d хужжатда кўрсатилган (i_1, j_1) янги эгаси билан тугунни 1 га ўрнатиш орқали узатишни таъминлайди.

Эгалик матрицаси ўлчамининг ўзгариши объектни яратиш ёки ўчириш вақтида юз беради ва бошқариш функцияси билан тавсифланмайди. Эгалик ҳуқуқи деб аталадиган маълумотлар глобал маълумотларни қатламларга ажратади. Ушбу ёндашув маълумотлар тақсимланган ёки интеграллашган ахборот тизимларида ўзгартирилганда маълумотлар яхлитлигини ўзгартирмасликка имкон беради.

Диссертациянинг «Кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари тузилмаларини созлаш ва ўқитиш алгоритмларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари (КҚРБАНТ) асосида ахборот тизимларининг структуравий тузилишини ишлаб чиқиш, нейрон тармоқ перцептронларининг ўқитиш алгоритмларини лойиҳалаш ва уларни ўқитиш сифатини баҳолаш масалалари келтирилган.

1-расмда таълимда интеграллашган ахборот тизимларининг умумий таркибий тузилиши келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ягона интеграллашган маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида ноаниқ характерга эга бўлган маълумотларнинг ишончилиги билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Шу сабабли кўриб чиқиладиган муаммолар кучсиз расмийлаштирилган масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Бундай ҳолларда математик моделни шакллантиришда нейрон тармоқ технологиясининг усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Кучсиз расмийлаштирилган масалаларни ҳал қилишда асосий ёндашув ечимларни интеграциялашнинг механизми бўлган турли хил архитектураларнинг нейрон тармоқлари тўпламидан фойдаланишдир.

Интеграллашган ахборот тизимидаги дастлабки маълумотларни тизимлаштириш нейрон тармоқ таркибий қисмларини ўқитиш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга, кўриб чиқиладиган объектлар предмет соҳасининг маълум бир синфига тегишли бўлган оператив маълумотлар интеграллашган ахборот тизимининг маълумотлар базасида сақланади.



1-расм. Таълимда интеграллашган ахборот тизимларининг умумий таркибий тузилиши

Шу билан бирга, маълумотлар ўрганиладиган гуруҳ ичида бир-бирига ўхшаш хусусиятлар бўйича бир-бирига ўхшаш бўлган объектлар гуруҳини

кластерлаш билан бир қаторда, кўриб чиқиладиган объектларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, лекин бошқа гуруҳга тегишли эмаслигини эътиборга олиб тўпланади. Олинган кластерларни аниқлаш учун верификациялаш вазибалари ечилади.

Кўриб чиқиладиган элементнинг маълум бир кластерга тегишлилик даражасини аниқлаш учун Кохонен нейрон тармоғидан фойдаланиш таклиф этилган, ушбу тармоқнинг афзалликларидан бири ўқитувчисиз ўқитишнинг мавжудлигидир. Бундай ҳолда, нейрон тармоғининг чиқиш қатламидаги перцептронлар сони T кластерлари сонига тенглигини ҳисобга олиш лозим.

Кохонен тармоғи ёрдамида кластерлаш натижаси ҳар бир r_i элементи учун (r_i, C_k) тўплами орқали ҳосил қилинади, бу ерда C_k – таркибида r_i элементи бўлган кластер. Нейрон тармоқлардан фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатлардан бири, бу уни (r_i, C_k) тўплам ёрдамида ўқитишдир. Бундай ҳолларда, кириш, чиқиш ва яширин қатламлардаги перцептронлар сонини аниқлаш зарурияти туғилади.

Бунинг учун, кириш қатламидаги перцептронлар сони ўрганиладиган маълумотлар базасидаги устунлар сонига тенг равишда олинади.

Перцептроннинг ҳолати куйидаги формула орқали аниқланади:

$S_u^L = \sum_{i=1}^n x_i w_{ij}^L$, бу ерда x_i – кириш қатлами қиймати, w_{ij}^L – нейронлар аро боғланишларнинг вазни қиймати. Кириш қатламидаги перцептронлар куйидагича шаклда аниқланади: $x_i = a_{ji}$, $j = \overline{1, m}$, $L = 2, 3$ j - қатламдаги перцептрон рақами, i – қатламлар сони. Перцептроннинг чиқиши унинг ҳолатига боғлиқ: $y = f(s)$. Ночизиқли сигма-пи функция f ни активлаштириш функцияси деб аталади.

Сигма-пи функциянинг қимматли хусусиятларидан бири унинг ҳосиласининг оддий ифодалигидир: $f'(s) = \alpha f(s)(1 - f(s))$.

Фаоллаштириш функциясининг созламалари КҚРБАНТни ўқитиш учун ишлатилади. КҚРБАНТнинг синаптик оғирликларини созлаш куйидаги формула орқали амалга оширилади: $\Delta\omega_i = \nu\delta x_i$, бу ерда ν - ўқитишни верификациялаш коэффицент, δ – чиқиш қатламидаги ҳатолик, x_i – коррекциялаш қиймати.

Унинг i - боғланиш учун қийматини аниқлаб, $\omega_i(h+1) = \omega_i(h) + \Delta\omega$ янги вазни созлаш мумкин, бу ерда h – ўқитишни итерациялаш коэффиценти (бошлаш 0 рақамига мос келади) бўлиб, нейрон тармоқ чиқишини керакли қийматга максимал даражада яқинлаштириш учун мўлжалланган. Ҳар бир h - босқичдаги нейрон тармоқни ўқитиш куйидагича аниқланади:

$$out_k^2 = \begin{cases} 1, & \text{агар } r_j \in C_k; \\ 0, & \text{агар } r_j \notin C_k. \end{cases}$$

КҚРБАНТ ларнинг умумлаштириш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, объектларни верификациялашда фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда, кириш учун берилган намунанинг маълум бир синфга тегишли бўлишига

ишонч даражаси чиқиш қатламининг перцептронлари чиқишининг максимал қиймати билан белгиланади, яъни: $d(r_{m+1}) = \max(\text{out}_1^2, \text{out}_2^2, \dots, \text{out}_T^2)$, бу ерда out_1^2 - нейрон тармоқ чиқиш қатламининг T перцептронлари чиқиш қиймати.

Ҳосил бўлган нейрон тармоқ ўрганилаётган маълумотлар базасида сақланадиган объектларни классификациялаш имкониятига эга.

Диссертация ишида юқори ҳисоблаш самарадорлиги билан ажралиб турувчи такомиллаштирилган кўп қатламли перцептронларни ўқитиш алгоритми (2-расм) таклиф қилинган.

Нейрон тармоғининг такомиллаштирилган тузилиши комплексида қайта ишлаш йўли билан бирлаштирилган: кўп қатламли перцептрон ва КҚРБАНТ элементлари ва нейронларнинг чиқишдаги маълумотлари.

Бундан ташқари, маълумотни қайта ишлашда ҳар бир перцептроннинг даражасини билиш лозим, чунки агар нейрон тармоқ элементлари томонидан ахборотни қайта ишлаш масаласини ҳал қилиш имконияти нотўғри баҳоланса, бутун ансамбл қабул қилиниши мумкин бўлмаган ечимни бериши мумкин.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун перцептронлар томонидан қайта ишлов бериладиган маълумотлардан фойдаланиш таклиф этилади. Ахборот тизимида маълумотларни қайта ишлаш ва маълумотларнинг компетентликни баҳолаш учун иккита кучсиз осттизимдан фойдаланилади.

Нейрон тармоқларни ўқитиш босқичидаги биринчи кучсиз осттизим ўқитиш жараёни динамикасини баҳолайди. Қуйидаги ифода орқали ўқитиш жараёнининг беқарорлигини белгиловчи коэффицент аниқланади:

$$F_{inst} = \sum_{i=2}^N (E(i) - E(i-1)) \cdot E(i-1),$$

бу ерда N – ўқитишнинг ўрта-квадратик хатолари намуналар қиймати, $E(i)$ - хато қийматининг i - намунаси.


Иккинчи кучсиз осттизим нейрон тармоқ перцептронлари томонидан шакллантирилган тузилиш сифатини таҳлил қилади. Тармоқ ва унинг тузилишининг элементларига маълум бир таъсир кўрсатганда тўғри қарор қабул қилиш учун баҳоланади, бу индивидуал маҳсус элементларнинг чегараларини кириш таъсирининг чизиқли комбинациясининг ярмига тенг миқдорга ўзгартириш. Ушбу иккита операцияни бажаргандан сўнг, тармоқнинг мақбул қарор қабул қилиш қобилияти баҳоланади.

Ҳар бир нейрон тармоқ перцептронларнинг компетентлигини аниқлаш масаласини ечиш учун қуйидаги турдаги норавшан тартибдаги маълумотлар базаси бўлган иккита осттизим яратиш керак бўлади:

Π_i : АГАР x_1 мавжуд бўлса A_{i1} ВА ... ВА x_j мавжуд бўлса A_{ij} ... ВА

x_m мавжуд бўлса A_{im} ..., У ҲОЛДА y мавжуд бўлса $B_i, i = 1, \dots, n$.

бу ерда Π_i - i - қоида, $i=1, \dots, n$, n - қоидалар сони, x_j ($j=1, \dots, m$) - кириш параметрларининг тўплами, $x_j \in X_j, X_j$ - аниқланиш соҳаси, y - ноаниқ чиқиш параметрлари, A, B - лингвистик атамалар, функциялари норавшан тўпламлар $\mu_A(x) \in [0, 1]$ ва $\mu_B(x) \in [0, 1]$ орқали ифодаланади.




2-расм. Кўп қатламли перцептронлар учун ўқитиш алгоритми

Иккита норавшан осттизимни ишлаб чиқиш учун MISO (Multi Inputs - Single Output) – тузилмаси асосида иккита норавшан қоида базасини яратиш лозим: иккита кириш (x_1, x_2) ва битта чиқиш ўзгарувчиси y . Бунинг учун масалалар тўпламидан иборат ўқитиш намунасини яратиш талаб этилади:

$$(x(k)_1, x(k)_2, d(k)), k = 1, \dots, K,$$

бу ерда $x(k)_1, x(k)_2$ – кириш параметрларининг x_1, x_2 да қиймати k - намуна, $d(k)$ - намунадаги чиқиш ўзгарувчисининг исталган қиймати, K – масалалар тўпламидаги намуналарнинг умумий сони.

Нейрон тармоқда маълумотларни қайта ишлашнинг аниқлиги ва тезлиги перцептронлар устунларининг n қийматига боғлиқ. Яширин қатламдаги нейронлар сони ҳар бир ҳолат учун алоҳида аниқланади, бироқ олдинги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кириш қатламидаги нейронлар сони чиқиш қатламидаги нейронлар сонидан 2-3 баравар кўп. КҚРБАНТнинг таклиф қилинган тузилиши 3-расмда келтирилган.



3-расм. КҚРБАНТ тузилиш схемаси

Нейрон тармоқ чиқиш қатламидаги перцептронларининг жорий ҳолати куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_u^L = w_{jo} + \sum_{i=1}^n x_i w_{ij}^L, \quad x_i = \phi(\|x - c\|_1 \delta), \quad w_{iu} = w_{iu}^{n-1} - \eta \cdot \frac{\partial E}{\partial w_k^{t-1}};$$

бу ерда x_i – перцептронларнинг кириш параметрлари, w_{ij}^L – нейрон тармоқ яширин қатламининг оғирлиги биринчи қатлам перцептрони оғирлиги билан боғлиқ, $x_i = a_{ji}$, $j = 1, m$, $L = 2, 3$ - қатламнинг рақами, u - қатламдаги перцептронларнинг сони.


Маълум бир синфга кириш учун берилган наъмунанинг тегишлилиги бўйича ишонч даражаси, яъни чиқиш қатлами нейронларининг максимал чиқиш қиймати билан белгиланади:

$$d(r_{m+1}) = \max(out_1^2, out_2^2, \dots, out_T^2), \quad u(x) = \sum_{i=1}^m w^{(i)} \phi^{(i)}(x) = \sum_{i=1}^m w^{(i)} \sqrt{(r^2 + a^{(i)2})},$$

$$\psi_1(2) = \max \left\{ 0, 1 - \left(\frac{\|x(2) - c_1(1)\|}{2r} \right)^2 \right\},$$

бу ерда out_i^2 - нейрон тармоқ танланма ўқитиш наъмунасидаги i - чиқишидаги перцептронлар сони, d – ишончилиликни баҳолаш.

Диссертация ишининг «Таълимда интеграллашган ахборот тизимлари дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари усул, модель ва алгоритмлари асосида тажрибавий ҳисоблашлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Ушбу дастурий таъминотлар мажмуаси замонавий MVC технологиялари, веб технологиялари ва дастурлаштириш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ягона ахборот муҳитига интеграциялаш асосида 4 та осттизимдан иборат дастурий таъминотлар мажмуасини ўз ичига олади (4-расм).



4-расм. «Idatasystem-education» дастурий мажмуасининг ишлаш принципи


Шунингдек, веб тизимларни ишлаб чиқишда Linux Centos 7, Apache, PHP дастурлаш муҳити ва MariaDB МББТ компонентлардан иборат LAMPРР пакетларидан фойдаланилган.

«Idatasystem-education» дастурий мажмуасининг асосий ташкил этувчиси бу тизим фойдаланувчилари, тингловчилар ёзувлари ва ҳисоботлар, таҳлил натижаларини ўзида сақлайдиган МБ ҳисобланади. МБни яратиш учун кенг имкониятларга эга бўлган MariaDB МББТ муҳити танланди.

MVC технологияларидан фойдаланиб стандарт ва стандарт бўлмаган ҳисоботларни шакллантириш учун «Idatasystem-education» дастурий мажмуаси таркибида «Ҳисоботлар» дастурий компоненти ишлаб чиқилди. Дастурий компонентни ишлаб чиқишда радиал-базисли адаптив нейрон тармоқлари

алгоритмларидан фойдаланилган. Ушбу дастурий компонент қисқа вақт ичида ҳисоботларни шакллантиришга имкон берувчи турли функционал хусусиятларга эга.

5-расмда «E-kadrmsys» дастурий таъминотининг клиент-сервер архитектураси келтирилган.



5-расм. «E-kadrmsys» дастурий таъминотининг клиент-сервер архитектураси

«Ҳисоботлар» дастурий компоненти мультиплатформали ҳисоботларни шакллантиришнинг кейинги авлоди ечимларидан бири бўлиши мумкин. «Ҳисоботлар» дастурий компоненти ASP.NET, ASP.NET MVC ва .NET Core платформа таркибидан ҳисоботларни шакллантиришда интеграция инструменти бўлиб хизмат қилади.

Яратилган дастурий мажмуа ва осттизимларни қўллаш орқали маълумотлар базасидаги сўровлар ҳамда транзакциялар тезлигини ошириш имконини берган, ахборот тизимларида маълумотларни қўшимча юкланиш туғдирмаган ҳолда 1,5 баробарга тез ва самарали таҳлил қилиш, ҳисоботларни ишлаб чиқишни 2 баробар тезроқ амалга оширишга имкон берган, олинган хулосалардан фойдаланиш таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини 1,15 баробарга оширган.

ХУЛОСА

«Таълимда интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Таълим жараёнларида мавжуд интеграллашган ахборот тизимлари замонавий ҳолати ва уларнинг татбиқ этиш муаммолари таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра уларни келгусида ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари аниқланган.

2. Ички ишлар органлари фаолиятини маълумотлар норавшанлиги шароитида автоматлаштирилган мониторинг қилиш ва баҳолашнинг ахборот тизимини архитектурасини ишлаб чиқилди. Бу архитектура таълим муассасалари ва уларнинг компонентларини ягона интеграллашган ахборот муҳитини яратиш имконини беради.

3. Ички ишлар органлари тегишли тузилмалари фаолиятини баҳолашда сифат кўрсаткичлари динамикасини эътиборга олган ҳолда иерархик метамаълумотларни саралаш ва танлаб олишнинг препроцессорли қайта ишлашни параллеллаштиришнинг IDEF моделлари ишлаб чиқилган. Бу эса ахборот ноаниқлиги вазиятида гетероген маълумотларни тезкор формаллаштириш, таниб олиш ва танлаш имконини беради.

4. Метамаълумотлар ноаниқлик шароитида вазиятга боғлиқ равишда рационал бошқариш қарорини қабул қилиш тизимининг маълумотлар базасини инфологик модели ишлаб чиқилган. Инфологик модел маълумотларни модуллараро функционал боғлиқлик тузилмасини оптималлаш имконини беради.

5. Метамаълумотларга ишлов бериш асосида ҳисоботларини шакллантиришда маълумотларга ишлов бериш аниқлигини ошириш имконини берувчи кўп қатламли радиал-базисли адаптив нейрон тармоқ моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

6. MVC технологиялари асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа ёрдамида стандарт ва ностандарт ҳисоботларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш 2-3 баробар тезроқ амалга оширишга эришилди.

7. Интеграллашган ахборот тизимлари моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида, маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш тезлигини 1,5 баробарга ошириш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

САДИКОВ САИДКАМОЛ БАБАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МОДЕЛЕЙ, АЛГОРИТМОВ И ПРОГРАММНОГО
ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНТЕГРИРОВАННОЙ-ИНФОРМАЦИОННОЙ
СИСТЕМЫ ОБУЧЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И
ПРОЦЕССА СТРУКТУРЫ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ)**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (Phd) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.33PhD/T1804.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)..

Научный руководитель: Сиддиков Исомиддин Хакимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Муминов Баходир Болтаевич
доктор технических наук, доцент
Халматов Даврон Абдалимович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится « 12 » ноября 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (+99871) 238-64-43,

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 8/163). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « 30 » октября 2020 года.
(протокол рассылки № 16 от « 30 » сентября 2020 года).



Р.Х.Хамдамов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
